

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

«Телестудия тизимлари ва иловалари» кафедраси

РЕФЕРАТ

Мавзу: Монтаж... бу нима?

Тайёрлади:

***«Телевизион технологиялар»
бўлими 3-курс талабаси
Р.Сайтакаев***

Текширди:

***ТТИ кафедраси ўқитувчиси
Ш.Т.Хусанов***

Тошкент – 2016 й.

МОНТАЖ... БУ НИМА?

Режиссёр фильм яратишга киришар экан, унинг сценарийсини ўқиётганидаёқ монтаж ўтиши жойларини аниқлайди. Режиссёрлик сценарийси ёзилаётганидаёқ у бутун фильм монтажини пишитиб чиқади. Суратга олиш пайтида у режиссёрлик сценарийсида қайд этилганларни фильмга киритишга ҳаракат қилади. Лекин, съёмка пайтида баъзи кутилмаган ҳолатлар вужулга келиб, у ички кадр монтажи ва эпизодлар монтажи характерини ўзгартириши, фильм умумий ритмига ўзгартиришлар киритиши мумкин. Шунинг учун ҳам фильмнинг узил-кесил монтажи монтаж-тонировка жараёнида амалга оширилади.

Монтажнинг ўзи нима?. Суратга тушурган кадрларни бир-бирига улаш демакдир. Бу унинг оддий техник таърифидир. Киносанъати тарихи тонгида фильмлар ана шундай монтаж қилинарди. Бироқ, оддийгина шу таъриф остида монтажнинг улкан имкониятлари яширинган.

Монтаж - кинони санъатнинг бир турига айлантирувчи муҳим ифода воситаси ҳисобланади. Монтаж улкан ижодий ва таъсир кучига эга. Монтаж воситаси ила энг ранг-баранг мазмунли кадрларни бирлаштириб, ўз мавзуси, сюжетига эга фильм ҳам яратса бўлади. Бунинг устига кадрлар турли даврларда, турли мамлакатларда ҳар хил планлар-у, ракурсларда суратга олинган бўлиши мумкин. Шу боис маҳоратли режиссёр монтаж санъатини шунчаки эмас, балки тўлиқ, чуқур билиши лозим. Унинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, талаблари бор.

Замонавий кинода режиссёрлар ҳаммадан кўра монтажёр деган мутахассиснинг ишига умид боғлайдилар. Ҳа, улар чиндан ҳам фильмнинг умумий ритмини, планлар, макон ва вақт бўйича кадрларнинг тўғри уйғунлашувини яратиш учун кўп ишларни амалга оширадилар. Лекин, шунга қарамай, постановкачи-режиссёргина ўз фильмининг нозик жиҳатларини билади. Зеро, ўз ғоя ва мақсади уларга сингдирилган. Шу ғоя ва мақсадлар суратга олиш жараёнида тўлиқ ифодасини топмай қолса, у ёки бу сабаблар билан фильмнинг ички мазмун ипи йўқотилган бўлса, энг тажрибали монтажёр ҳам асарга керакли таъсирчанлик, ифодани топа олмайди. У фақат режиссурадаги камчикликни ёпиб кета олади, ёки режиссёр хатосини яширади. Аммо фильмнинг яшаши учун зарур “ҳаво”ни бера олмайди. Бундай фильмларда режиссёрнинг ўзига хос ижодий дастхатлари йўқолади. Демак, монтаж нафақат кинонинг ифода воситаси, балки режиссёрлик маҳоратини ва истеъдодининг ҳам ифодасидир.

Монтажни кино санъатидагина эмас, уни бадиий адабиёт, ранг-тасвир, хаттон архитектурада ҳам учратиш мумкин. Монтаж асарнинг асосий

ғоясини етказишда яхши ёрдам беради. Лекин, кино монтажи, айтайлик адабиёт монтажидан фарқ қилади. У яна ҳам нозик, мураккаб, хатто қарама-қарши бўлиши мумкин. Бу унинг ўзига хослиги ва куч-қудратидир.

Монтаж маъносини қуйидагича тушунтирамиз: мазмуни турлича бўлган икки кадрни бирлаштириш натижасида уларнинг янги миқдорини эмас, асарини ҳосил қиламиз. Математикада қўшилувчилар жойи алмаштирилгани билан улар натижаси ўзгармайди. Кинода эса кадрлар жойини алмаштирганда, бошқача қилиб айтганда янги монтажда ғоя ва мазмун ифодаси тубдан ва ҳар жиҳатдан ўзгаради. Ана шу киномонтажнинг буюк сиридир.

Режиссёр кинодаги монтаж хусусиятларини яхши билмоғи лозим. У план, ракурслар, съёмка усули бир хил бўлган икки кадрни бирлаштириб бўлмаслигини, бундай ҳолатда ҳаракат йўқолишини билиши керак. Ҳаракатсиз кино эса кино эмас. Бундай монтаж “сакраш” тасаввурини беради.

Демак, фильмни тўғри монтаж қилиш, бадий кинематографик ифодалиликка эриши учун съёмка пайтидаёқ уни монтажбop қилиб суратга олиш керак. Шунинг унутмаслик кераки, фильмнинг энг яхши монтажи- бу унинг монтаж съёмкаси бўлиб, натижада у режиссёрни ғоялари, мавзуси, фикрлари, образларни чуқур очиб беришга эриштиради.

Ёш режиссёр монтажнинг аҳамиятини амалиётда тушуниб етади. У монтаждаги муҳим жиҳатларини ўзлаштириб олса бас. Масалан, кинода монтажнинг қандай турлари борлигини билиши лозим.

Кадрлар мазмуни бўйича бирин-кетин бирлаштириб борилади. Шу тарза сюжет, воқелик ривожланиб боради. Бундай монтаж **узвий монтаж** деб аталади. У кўпинча мультфильмларда, хужжатли ленталарда қўлланилади.

Параллел монтаж - бир минутнинг ўзида турли жойларда рўй берган воқеалар тасвирланган кадрларни таққослашдир. Бу монтаж фильм мазмунини кучайтиради, чуқурлаштиради, ундаги воқеалар кўламини кенгайтиради. Монтажнинг бу тури кинода кенг тарқалган. Ундан биринчи бор Д.У. Гриффит “Бетоқатлик” (1916 й) фильмида фойдаланганда, катта шов-шувга сабаб бўлган ва кинонинг санъат сифатида ривожланишига таъсир кўрсатган.

Ўзарo боғланган образли монтаж - бу монтаж йўли билан фильм сюжетини чуқурлаштириш, турли романтикалар, метафоралар оқали тасвир оламининг бадийлигини ошириш, томошабинда янги тасаввурлар уйғотишдир (“Иш ташлаш” фильмидаги завод трубасига ўрнашиб олган

қарғани эсланг).

Мавзули монтаж - кўпинча хужжатли, илмий-оммабоп кинода фойдаланилади, шу билан бирга фильмда кўтарилган битта мавзуни очишга хизмат этади ва катта умумлашмалар ҳосил қилади.

Вертикал монтаж - уни кинога С.М.Эйзенштейн жорий қилган. Бунда тасвир (кадр ёки эпизод) мусиканинг бирор фазаси билан уйғунлаштирилган ҳолда монтаж қилинади. Бундай монтажнинг ижодкори фильм образли қурилмасидан, ғоя ва мазмундан келиб чиқиб, мусиқа билан мутаносиб уйғунлашувини ташкил этишини мумкинлигини исботлаган.

Заковатли (интеллектуал) монтаж- буни ҳам С.М.Эйзенштейн кашф этган. Унинг моҳияти бугун жуда оддий туюлиши мумкин. Ўшанда эса дунё миқёсидаги кино кашфиёти бўлган эди. Турли тушунча ва мазмунга эга икки кадр монтажда янги тушунча, янги маъно касб этади. Заковатли монтаж киносанъатининг руҳий-маънавий қудратини ошириди, хизматини эстетикасини ҳам кенгайтиради. Режиссёр изланишлари бу монтаж борасида яна бир кичик, лекин ёрқин кашфиёт -“ички монолог” принцига йўл очди. Бу принцип кинодраматургия ва режиссурада кенг қанот ёзди. У қаҳрамоннинг фикран теран, руҳан чуқур образини яратишга ёрдам беради. Зеро ички монологда қаҳрамон хатти-ҳаракатларини , атроф-муҳит билан муносабатларини тушунишга ёрдам берадиган ҳис-туйғулар, ўйлари ёрқин очилади.

Режиссёр бир фильмда унинг драматургиясидан келиб чиқиб, монтажнинг турларидан уйғунликда фойдаланиши мумкин. Бу иш фильмни суратга олиш жараёнида бажаради. Шундай қилинса монтаж-сайқал пайтида фильмни “йиғиб” олиш, унда керакли вақт ва маконни яратиши, қаҳрамон образини очиши, унга нисбатан ўз муносабатини кўрсатиши мумкин бўлади. Монтаж фильмида воқеалар оҳанги ва сурати ритми ва темпини аниқлайди, кадрнинг ичик ритминини фильмнинг умумий ритми ва темпи билан уйғунлаштиради.

Ички кадр ритми- режиссёр танлаган мизансаҳна, актёр пластикаси, сўз ва мусиқа ёки бошқа овозлар янграши билан таъминланади. Монтажда ички кадр ритми орқали бутун фильм ҳаракатини, жумладан, унинг темпини кучайтириш ёки сусайтириш мумкин. Кадрларнинг нотўғри монтажи, яъни ҳаракат ҳарактерига эпизодларнинг мос тушмаслиги темпнинг бузилишига олиб келади. Бундай нотўғри монтаж, агар жангари эпизод бўлса, ким ким билан уришаётгани билинмайдиган тартибсизликни келтириб чиқаради.

Режиссёр томонидан танланган монтажнинг барча турлари, унинг принциплари ягона бир мақсадга- асарнинг кинематографик таъсирчан

чиқишига қаратилади. Режиссёр ақл-идроки, маҳорати ила қўллаган монтажи орқали фильмда ўз ғоя ва мақсадини тўла амалга оширади. Демак, монтажнинг барча нозик жиҳатларини билиш режиссёр учун муҳимдир. Шунингдек, монтаж характерида режиссёрнинг ижодий дастхати ҳам кўринади.

Режиссёрнинг қайси монтаж турини танлаши драматургиядан ташқари жанрга ҳам боғлиқ. Айтайлик, саргузашт жанри бўлса, постановкачи-режиссёр биринчи кадрлардаёқ ҳикоя қилиш ритмини топиб, бутун фильм давомида уни сақлаб қолади. Композициянинг кучли воситаси бўлган ҳаракат бундай фильмлар монтажида олдинга чиқади. Психологик драмада эса монтаж бошқача характер касб этади. Бунда шошилмайгина бошланган умумий темп -ритм режиссёр ва актёр қаҳрамонлар образларини батафсил, атрофлича очиб беришга ёрдам беради. Ўзаро боғланган образли монтаж айна шу жанрларига қўл келади.

Психологик фильмларда истак муҳим ўрин эгаллайди. Пейзаждан фон сифатида эмас драматургияни таркибий қисми сифатида фойдаланиш-фақат кино учун характериладир. Режиссёрлар ҳам киносанъатнинг бу муҳим имкониятидан самарали фойдаланишишган пейзаж фильм умумий тўқимасининг кучли эмоционал воситаси эди. Унинг деталлари, конкрет кўринишлари (тўкилган барглар, дарёнинг жўшқин оқиши тақир-тукур сахро) драматургия ва режиссёр фикридан келиб чиқиб, ғояни чуқурлаштиришга хизмат этадиган рамзийликлар вазифасини ўтайди.

Фильм монтажида (икки ёки учта кадрлар бирлашувчи) битта монтаж бирлашмасидан иккинчисига ўтиш турли жанрларда турлича бўлади. Овозсиз кино давридаги фильмлар монтажида бундай ўтишлар ёзув-субтитрлар ёки қоронғилашув орқали амалга оширилади. Хужжатли, илмий –оммабоп кинода бир монтаж бирикмасининг иккинчисига ўтиши диктор матни воситаси билан бўлади. Унинг мазмуни бу ўтишни асослабгина қолмай, кейинги монтаж бирикмаси мазмунини ҳам ифодалайди. Бадиий кинода ҳам монтаж бирикмалар сўзлар орқали амалга оширилади. Хуллас монтажда сўзнинг вазифаси ҳам жуда муҳимлиги учун режиссёр сўз устида ҳам кунт билан ишлаши лозим.